КПСС XXVI съезди Жиззах чўлини ўзлаштириш ишларини янада кучайтириш вазифасини қўйди. Партия ва ҳукуматимизнинг бу кўрсатмасини «Джизакстепстрой» территориал бошқармасининг кўп минг кишилик коллективи муваффақиятли бажармоқда. Дашт бағрида янги хўжаликлар, замонавий қишлоқ ва посёлкалар бунёд этилаяпти.

Янги ерлар ўзлаштирилиб, пахтачилик, чорвачилик, сабзавот ва боғдорчиликка ихтисослашган хўжаликлар ташкил этилаяпти.

Қўриқ воҳа қишлоқ хўжалиги ходимлари 1981 йилни янги зафарлар билан бошладилар. Областимиз пиллакорлари она-Ватанга 400 тоннадан ортиқроқ қимматли хомашё топшириб, бу борадаги социалистик мажбуриятларини ортиғи билан бажаришди. Эришилган меҳнат ютуғига Жиззах, Дўстлик, Арнасой, Октябрь ва бошқа районларнинг пиллакорлари муносиб ҳисса қўшдилар.

Колхоз ва совхозларда ғалла ўриш қизғин тус олмоқда. Партия ва ҳукуматимиз кўрсатмалари асосида иш тутаётган азамат ғаллакорларимиз съездлар йилида 280 минг тонна дон ҳосили олиш ва унинг 95 минг тоннасини давлатга сотиш юзасидан ўз зиммаларига юксак мажбуриятлар қабул қилишган.

Ғаллакорларимиз бу йил лалми ерларнинг ҳар гектаридан 13 центнердан, суғориладиган ерларнинг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил олиш учун курашмоқдалар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Жиззах область партия комитетининг 1981 йилги бошоқли дон экинлари ҳосилини қисқа муддатда ва нес-нобуд қилмай йиғиштириб олишни таъминлаш борасидаги тадбирларини маъқуллади. Айни кунларда белгиланган шу тадбирлар асосида ҳар қачонгидан ҳам мўл-кўл ғалла ҳосили олиш учун кураш авж олдирилаяпти. Ғаллакорлар ўртасида социалистик мусобақа кенг йўлга қўйилган, ғолиблар моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилиб борилмоқда. Область коммунистлари мўл ғалла етиштириш учун курашнинг олдинги сафларида бормоқдалар.

Областимизда қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи ҳисобланган пахтачилик йилдан-йилга юксалиб бормоқда. Бу соҳада ўнинчи беш йилликда катта муваффақиятлар қўлга киритилди. Ўтган беш йилликда 1,5 миллион тоннадан ортиқроқ пахта тайёрланиб давлатга топширилди.

Янги беш йилликнинг биринчи йилида областимиз пахтакорлари олдида улкан вазифалар турибди. Улар бу йил камида 350 минг тонна пахта етиштириш учун кураш бошлаганлар. Азамат пахтакорларимиз ваъдага яраша мўл ва эртаги ҳосил етиштириш учун ғўза қатор ораларига ишлов беришни агротехника қоидалари асосида олиб боришмоқда.

Яқинда областимизнинг бир группа илғор бригада бошлиқлари ҳар гектар ердан олинадиган ҳосилни 60 центнерга етказиш ташаббуси билан майдонга чиқдилар. Уларнинг бу ватанпарварлик ташаббуси область партия комитети бюросида маъқулланди. Бугуни кунда областимиз колхоз ва совхозларида меҳнат қилаётган юзлаб деҳқонларимиз қўриқ ер шароитида ҳосилдорликни гектар ҳисобига 40—50 ва 60 центнерга етказиш учун ҳаракат қилишмоқда.

Социалистик мусобақа — эришилаётган барча муваффақиятларимизнинг гаровидир. Буни пойтахт Тошкент ва қўриқ Жиззах области меҳнаткашлари яхши билишади. Улар ўртасидаги социалистик мусобақа анъанавий тусга айланиб қолган. Мана, бир неча йилдан бери ҳар иккала область меҳнаткашлари ўзаро беллашиб, ютуқларни баҳам кўришмоқда. Камчиликларни тугатиш юзасидан бир-бирларига қимматли маслаҳатлар бериб келишмоқда.

Анъанага кўра, бугун қўриқ Жиззах областининг бир группа ишлаб чиқариш илғорлари пойтахт Тошкент областига ташриф буюришди. Улар бир неча кун давомида тошкентлик азамат деҳқонлар, чорвадорлар, ғаллакорлар, сабзавоткорлар, боғбонларнинг съездлар йилида олиб бораётган ишларини кўздан кечиришади. Тошкентликларнинг қўлга киритаётган ютуқлари, илғор тажрибалари билан танишадилар. Ўз навбатида биз Жиззах области меҳнаткашларининг съездлар йилида амалга оширяётган ишларн тўғрисида ҳикоя қилиб берамиз.

Биз Тошкент области меҳнаткашларининг беминнат ёрдамидан миннатдормиз. Улар Жиззах областининг экономикасини янада тараққий эттиришда фаол иштирок этишмоқда. Қўлга киритаётган ютуқларимизда мусобақадош область меҳнаткашларининг ҳам муносиб улуши борлигидан қувонамиз. Мусобақа — ҳар икки область меҳнаткашларининг белгиланган вазифаларни муваффақиятли ҳал этишларига хизмат қилади.

1981 ЙИЛ МАРРАЛАРИ

(ИШЛАБ ЧИҚАРИШ)

Пахта — 350 минг тонна
Дон — 305 минг тонна
шу жумладан маккажўхори дони — 125 минг тонна
Картошка — 13.000 тонна
Сабзавот — 47000 тонна
Полиз маҳсулотлари — 70000 тонна
Ҳўл мева — 10000 тонна
Узум — 27,5 минг тонна
Гўшт — 22000 тонна
Сут — 38000 тонна
Тухум — 42 миллион дона
Жун — 1320 тонна.

ҚАҲРАМОНГА ҲАЙКАЛ

Мамажон Дадажоновнинг номини фақатгина жиззахликлар эмас, республикамиз механизаторлари ҳам ҳурмат билан тилга олишади. Қалб амри билан Мирзачўлни ўзлаштиришга отланган андижонлик М. Дадажонов қўриқ ерларда мўл пахта етиштириш ташаббускорларидан бири эди. У кўп йил Дўстлик районидаги Ленин номли пахтачилик хўжалигига бошчилик қилди. М. Дадажоновнинг шавқатли меҳнати муносиб баҳоланиб, унга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони юксак унвони берилган эди.

Чўлқуварлар М. Дадажонов бошлаган бунёдкорлик ишни дадил давом эттиришмоқда. Унинг номи Дўстлик районидаги қўриқ совхозлардан бирига берилган. Яқинда ҳурмат ва эҳтиром рамзи сифатида унинг номи билан аталувчи хўжаликда қаҳрамонга ҳайкал ўрнатилди.

ЮКСАЛИШДАН СЎЗЛАР

РАҚАМЛАР

КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди қарорларини изчиллик билан амалга ошираётган қўриқ область саноатчилари, қурувчи, транспортчи ва алоқачилари 1981 йил учун оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилишган.

▲ Областда ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича йиллик план 20 декабрда уддаланиб, пландан ташқари 12 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинади. Белгиланганидан ташқари 5 минг кубометр йиғма темир-бетон, 300 минг сўмлик кийим-кечак, 5 минг тонна пахта толаси ишлаб чиқарилади.

▲ Саноат маҳсулотн ишлаб чиқариш 1980 йилга нисбатан 18 процентга ошади. 85 процент маҳсулот меҳнат унумдорлигини ўстириш ҳисобига ишлаб чиқарилади. Йил охиригача 12 тур маҳсулотга давлат Сифат белгиси берилади, 35 турдаги янги маҳсулот ўзлаштирилади.

▲ Қурувчилар томонидан йил мобайнида 3,5 миллион сўмлик маблағ ўзлаштирилади. Жиззах шаҳрида уйсозлик комбинати, кп йиғирув фабрикаси, нон заводи маҳсулот бера бошлайди. Районларда ўнлаб чорвачилик объектлари қурилади. Маржонбулоқ, Учқулоч ва Учтепада қурилиш ишлари тезлаштирилади.

▲ Областимиз транспортчилари йиллик пландан ташқари 300 минг тонна юк, 1 миллион пассажир ташишади. Ҳаракатдаги составдан фойдаланиш коэффициенти 1,8 процентга оширилади.

▲ Алоқа корхоналарининг коллективлари маҳсулот ҳажми ва даромад юзасидан белгиланган йиллик планни 28 декабрда бажариб, пландан ташқари 20 минг сўм фойда оладилар.

Эргаш Болиев Арнасой районидаги Жуков номли совхознинг илғор бригадасига етакчилик қилади. Уста пахтакор бошлиқ бригада саршунослари бу йил ҳам обиҳаво ноқулай келишига қарамай мўл ҳосил олишга аҳд қилишган. Совхоз пахтакорлари шу кунларда гўза қатор ораларига ишлов беришда ғайрат кўрсатяптилар: Суратда: Э. Болиев.





Жиззах районидаги Ленин номли совхозда 4 миллион жўжа боқишга мўлжалланган паррандачилик фабрикаси бунёд этиляпти. 27-қурилиш трестига қарашли 6-механизациялашган кўчма колонна қурувчилари корхонани муддатидан илгари фойдаланишга топшириш учун курашмоқдалар. Суратда: колоннанинг илғор қурувчиларидан Т. Аҳмедов ва А. Михалченколар.

К. Жўрақулов фотолари.

ЯНГИЛИКЛАР

БРОЙЛЕР ФАБРИКАСИ ҚУРИЛМОҚДА

ЖИЗЗАХ. Ленин номли совхоз территориясида 4 миллион бройлер боқиладиган паррандачилик фабрикаси қурилмоқда.

Фабрика ишга тушгач, йилига 6 минг тонна парранда гўшти, 2 миллион дона тухум ва кўплаб парранда пати етказиб беради. 27-қишлоқ қурилиш трестининг коллективи йил охиригача пландаги 2 миллион 500 минг сўмлик ўрнига 2 миллион 862 минг сўмлик иш бажариш, корхонанинг 50 минг товуққа мўлжалланган биринчи навбатини фойдаланишга топшириш учун астойдил меҳнат қилмоқда.

●

ҲАШАР БИЛАН

ҒАЛЛАОРОЛ. Тог ёнбағридаги соя-салқин жойда спорт-соғломлаштириш лагери барпо этилди. Бу ерда ҳар бири 50 ўринли 6 та павильон, секундига 20 литр сув чиқариб берадиган артезиан қудуғи мавжуд.

Жиззах Давлат педагогика институтининг студентлари ҳашар йўли билан қурган бу масканга боғ ва узумзорлар алоҳида кўрк қўшиб турибди. Футбол, волейбол, баскетбол, қўл тўпи, теннис майдонлари кишиқарли беллашувларнинг марказига айланган. Айни пайтда сузиш бассейни ва мерганлик тири қурилиши бошланди.

Студентлар лагерь ёнида ўз ёрдамчи хўжаликларини ҳам ташкил этишди. 50 гектардан ортиқ ерга сабзавот ва полиз экинлари экилди. Келгуси йилдан бошлаб паррандачиликни ривожлантириш йўлга қўйилади. Бу йилги мавсумда спорт-соғломлаштириш лагерида 600 нафар студентнинг дам олиши кўзда тутилмоқда.

Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси ғолиблари

ҲАР СОҲАДА МУВАФФАҚИЯТ

ЖИЗЗАХ районидаги Ленин орденли «Москва» колхози Иттифоқимизда донг таратган хўжаликлардан биридир. Колхоз қатор йилларди бўён Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида ғолиб чиқиб, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланиб келмоқда. Яқинда хўжалик Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида юксак натижаларга эришганлиги, 1980 йилда ва ўнинчи беш йилликда иқтисодий ҳамда социал ривожланиш давлат планини муваффақиятли бажарганлиги, маданият, фан ва техника соҳасида жуда катта ютуқларни қўлга киритгани учун Ўзбекистон ССР Меҳнат шуҳрати китобига ёзилди.

Қуйида ана шу нишондор колхоз меҳнаткашларининг бунёдкорлик ишлари, илғор тажрибалари ҳақида ҳикоя қиламиз.

ПАХТАГА ПАЙВАСТА ҚАЛБЛАР

Колхоз ишлаб чиқаришининг ветерани, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳамроқул ота Носировнинг пахтачиликни ривожлантиришдаги бой тажрибаси бугунги кунда у раҳбарлик қилган хўжалик меҳнаткашларининг гина эмас, балки бутун республикамиз пахтакорларининг ҳам мулкига айланган. Колхоз пахтакорлари ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида «оқ олтин»дан ҳар қачонгидан ҳам юксак хирмон кўтардилар. Она-Ватан «Москва»лик пахтакорлардан 13294 тонна юқори сифатли хом ашё қабул қилиб олдй. Бу планда белгиланганидан 3194 тонна кўп демакдир.

Хўжаликнинг олтин қўлли пахтакорлари резерв ва имкониятлардан самарали фойдаланиш ҳисобига пахта ҳосилдорлигини мунтазам ошириб боришаяпти. Биргина ўтган йили ҳар гектар майдондан ўрта ҳисобда 36,6 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Умри Орифжонова бошлиқ бригада деҳқонлари ер, техника ва ўғитдан самарали фойдаланиб ҳосилдорликни гектар бошига 61 центнерга етказишди.

Хўжаликда олтин юлдузли қаҳрамоннинг тажриба мактабини ўтаётган пахтакорлар кўплаб топилади. Исмат Қаландаров, Расул Маҳмудов, Тожибувн Ғаниева, Пардабой Зиёдов, Абдулла Луқмонов, Карим Исақулов, Эргаш Очилов, Исроил Хўжаназаров бошлиқ бригадаларнинг деҳқонлари ҳар йили ҳосилдорликни 40—50 центнерга етказиб колхознинг пахтачиликдаги шуҳратига шуҳрат қўшишмоқда.

— КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди қарорларида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг ойдин йўллари аниқ ва равшан кўрсатиб берилди, — дейди колхоз раиси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Асрор Эргашев. — Партия кўрсатмаларини оғишмай амалга ошираётган колхозимиз пахтакорлари бу йил 3656 гектар майдондан камида 14 минг тонна «оқ олтин» йиғиштириб олиш мажбуриятини қабул қилишган.

Хўжалик пахта далаларида бўлсангиз гўза парваришн ана шу юксак мажбурият даражасида ташкил қилинганлигини кўриб қувонасиз. Бу ерда ниҳолларни культивация қилиш, озиқлантириш, суғориш бир-бирига боғлаб олиб борилаяпти. Деҳқонлар меҳрига қонаётган ҳар туп ниҳол баравж ўсаяпти.

Колхозчи Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Умри Орифжонова, Ҳусанбой Қодиров, Расул Маҳмудов бошлиқ бригада далаларидаги ниҳоллар текис шонага кирди. Бу коллективларда айни пайтда гўзага тўртинчи марта комплекс ишлов берилмоқда, дастлабки сув бериш ниҳоясига етмоқда.

ЧОРВАДОРЛАР ҒАЙРАТИ

Жиззах — Фориш йўлининг, ўнинчи километрида колхознинг чорвадорлар шаҳарчаси қад кўтарган. Бу ерда меҳнат қилаётган коммунистик мўл-кўлчилик ижодкорлари КПСС XXVI съезди минбаридан «Қишлоқда чорвачиликни ривожлантириш зарбдор фронтдир», деб янграган илҳомбахш сўзларни қалбга жо этиб, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотишда юксак натижаларга эришмоқдалар.

— Съездлар йилидаги мажбуриятларимиз янада улкан, — дейди колхоз сутговар фермасининг мудири, Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери Бобоназар Хидиров — Чорвадорларимиз давлатга 233 тонна гўшт, 1200 тонна сут, 50 минг дона тухум, 24,8 тонна жун, 1600 дона қорақўл тери етказиб беришни кўзлаб меҳнат қилишмоқда.

Колхоз чорвадорларининг иши улкан мажбуриятга яраша ташкил этилган. Улар ҳозирнинг ўзидаёқ гўшт тайёрлаш йиллик планини ортиғи билан бажаришди, сут, тухум, жун, тери етказиб бериш ярим йиллик планлари ортиғи билан ado этилди.

Колхоз правленнеси, партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари ферма ходимларининг унумли меҳнат қилишлари учун барча шарт-шароитларни муҳайё этганлар. Чорвадорлар шаҳарчасида замонавий турар-жой бинолари, маданий-оқартув муассасалари, мактаб ва шифохоналар улар хизматида.

Яқинда Жиззах область партия комитети колхоз чорвадорларининг 1981 йилда чорвачилик маҳсулотларн тайёрлаш ва давлатга сотишни кўпайтириш юзасидан белгилаган тадбирларини маъқуллади. Айни кунда ҳар бир чорвадор ана шу тадбирни амалга ошириш йўлида астойдил меҳнат қилмоқда. Дилором Исмонлова, Маҳфират Ортиқова, Дилором Гаффорова сингари пешқадам соғувчилар съездлар йилида ҳар бош сигирдан 4500—5000 килограммдан сут соғиб олиш мажбуриятини олишган.


И. УСМОНОВ,
Т. КАМОЛОВ.

БИР ОТАРДАН — ИККИ ҚЎРА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Фориш райони чорвадорларини ўн биринчи беш йилликда чорвачиликнинг ривожлантириш юзасидан белгилаган тадбирларини маъқуллаган эди. Бу тадбирларнинг бажарилишига қоракўлчиликка ихтисослаштирилган К. Маркс номли совхоз чорвадорлари ҳам муносиб ҳисса қўшишмоқда.

Ўн биринчи беш йилликда районимизда гўшт етиштиришни уч баробар, сут етиштиришни 17 процент, қоракўл тери ва жун тайёрлашни 25 процент кўпайтириш мўлжалланмоқда. Бу улуғвор марраларни эгаллашнинг ўзи бўлмайди, албатта. Бунинг учун жамоат чорвачилигини ривожлантиришга ҳисса қўшиб келаяпмиз. Отаримизда съездлар йилида ҳам қувончли натижалар қўлга киритилди. Совлиқлардан 1262 та қўзи олиб, уларнинг қарийб 80 процентини ўстириш учун қолдирдик. Ҳар юз бош совлиқдан 250 тага етказиб қўзи олинди.

Қобул АЛҚАРОВ,
Фориш районидаги К. Маркс номли совхознинг бош чўпони, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.



«Дўстлик» майдони Жиззах шаҳри чиройини янада очиб юборди. Бу ерда кўп қаватли «Ўзбекистон» меҳмонхонаси, маъмурий бинолар қад кўтарди. Суратда: «Дўстлик» майдони кўрини ши.

Х. Тожиев фотоси.

МЕҲР ВА ИМКОНИЯТ

Яқинда мен 1981 йиллик планимни бажарганлигим ҳақида рапорт бердим. Беш йиллик планимни эса 2,5 йилда уддалашга аҳд қилганман. Умуман бир беш йилда икки беш йиллик планни уддаласа бўладими? Баъзилар «бунинг иложи йўқ», дейишади ҳам. Иложи бор. Бунинг учун аввало ўз касбингни қаттиқ севишинг керак. Ана ўшанда беихтиёр янги-янги имкониятлар қидирасан. Имкониятлар эса ишингнинг олға ривожида сенга ҳамиша кўмак беради: меҳнат унумдорлиги кескин ошади.

Менинг имкониятларим нимада? 2 та ўрнига бир йўла 4—6 та тўқув станогини бошқараяпман. Бу эса кундалик нормани икки ҳисса ошириб бажаришимни тақозо этмоқда. Шунча станокни бошқариш ўз ўзидан бўлмайди. Бунинг учун кўп нарсани билишим, ўз «постимда» доимо сергак туришим керак. Демак, имкониятларни ишга солиш учун ўқиш, ўрганиш, тажриба тўплаш зарур.

Фабрикамизда биз ишчиларнинг ўз имкониятларимизни тўлиқ ишга солишимиз учун барча шароитлар яратилган. Цехлар ёруғ ва озода. Жиззах сув омборида дам олиш зонамиз бор. Корхонамизда социалистик мусобақага, унинг ошкоравийлигига доимо катта эътибор берилади.

Тамара ҲАСАНОВА,
Жиззах устки трикотаж фабрикасининг тўқувчиси.

МЕҲНАТКАШЛАРГА НАМУНАЛИ ХИЗМАТ КЎРСАТАЙЛИК

ДАВЛАТ САВДОСИ ВА УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ ХОДИМЛАРИНИНГ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИДАН

ЎНИНЧИ беш йиллик йилларида областимизда қишлоқда савдо хизматини такомиллаштириш учун кўп ишлар қилинди. КПСС XXVI съезди қарорлари асосида қишлоқ меҳнаткашларининг талаб ва эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириши таъминлаш учун нималар қилиш керак? Тошкент область партия комитети, давлат савдоси ва матлубот кооперацияси ходимлари область касаба союз комитети, савдо илмий-техника жамияти область правлениеси ва область матлубот союзи правлениеси ташкил этган давлат савдоси ва матлубот кооперацияси ходимларининг илмий-амалий конференциясида ана шу масалалар муҳокама қилинди.

Конференцияда Тошкент область матлубот союзи правлениесининг раиси **С. Ф. Файзиев** доклад қилди. У чакана товар оборати, умумий овқатланиш оборати, кооператив саноат маҳсулотлари ҳажмининг сезиларли даражада ўсганлигини белгиловчи рақамларни келтириб ўтди.

Ички резервлардан унумли фойдаланиш натижасида яхши самараларга эришилди. Беш йил давомида 6 минг квадрат метрдан зиёд савдо майдонлари реконструкция қилинди. Уларни янгидан қуриш учун ярим миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфлаш лозим бўлар эди. Савдо корхоналари йириклашди. Уларни прогрессив иш формасига ўтказиш кенг миқёсда амалга оширилмоқда.

1977 йилдан буён ўтган давр мобайнида савдони комплекс такомиллаштириш Коммунистик, Оржоникидзе ва Тошкент районларида тўлиқ амалга оширилди.

Савдо жараёнларида илғор технологияни комплекс жорий этиш ва замонавий техника воситалари билан таъминлаш, ассортиментларга кўра ихтисослаштириш ва товарлар етказиб беришнинг аниқ системасини таъминлашга катта эътибор берилмоқда.

Умумий овқатланиш тармоғида ярим фабрикат ва кулинария маҳсулотларини база корхоналари ва ихтисослаштирилган цехларда марказлаштирилган ҳолда ишлаб чиқариш ва бошқа ҳамма корхоналарни таъминлаш йўлга қўйиляпти.

1981 йилда халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш соҳасида қўшимча талбирлар ишлаб чиқилган. 2 минг тоннадан зиёд нон-булка маҳсулотлари, 50 тонна музқаймоқ, 54 тонна колбаса маҳсулотлари, 520 минг банка консервалар, 17 минг декалитр алкоголсиз ичимликлар халқ истеъмоли учун етказиб берилади.

Матлубот кооперацияси экономикасининг миқёси тобора кенгайиб бормоқда. Янги шарт-шароитларга кўра хўжалик механизмини бошқаришни ҳам қайтадан қуриш лозим. Бунинг учун қатор хўжалик ҳисобидаги савдо корхоналарини қисқартириш, айрим районларда марказий бошқариш аппаратини ташкил этиш лозим.

Кўп қиррали хўжалик вазифаларини ҳал қила бориш давомида тарбия масалаларини ҳам диққат марказидан четда қолдириш мумкин эмас.

Савдо аппарати ва айниқса савдо базаларининг таъминотни ташкил этиш тўғрисида етарли қайтгурмаётганлиги айрим магазин мудирларини соатлаб турли товарларни ахтаришга мажбур қилияпти, магазинлар эса кўпинча бу пайтларда ёпиқ бўлади. Кўпчилик ҳолларда сотувчи ўзи транспорт қидириш, базага бориш, товарларни юклаш ва туширишга мажбур бўлмоқда. Токи, бу ишлар сотувчи зиммасига юклатилар экан, зарур тартиб-қоида ўрнатиш анчагина мушкул. Бу ҳолдаги иш услубини тубдан ўзгартириш, базаларнинг магазинларни товарлар билан таъминлашдаги масъуллигини оширишни кўзда тутиш керак.

Ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки йилида матлуботчилар ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар. Беш йиллик план ва мажбуриятлар ҳамма асосий кўрсаткичлар бўйича бажарилди. Коллективларда партия ва ҳукуматимиз томонидан кооператорлар олдига қўйилган вазифаларни муваффақиятли бажариш учун мусобақа тобора авж оляпти. Конференцияда сўзга чиққан Центросоюзнинг меҳнатни илмий ташкил этиш, бошқариш ва рационализация марказий институти Ўзбекистон Марказининг директори, иқтисод фанлари кандидати З. С. Сафаров, «Ўзбекбирлашув» правлениеси раисининг ўринбосари, республика савдо илмий-техника жамиятининг раиси Р. И. Назаров, Чирчиқ умумий овқатланиш трести савдо-ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Т. А. Шуригина ва бошқалар ютуқларни таъкидлаш билан бирга, айни вақтда айрим камчиликларга эътиборни қаратдилар.

Конференция қатнашчилари матлуботчиларни КПСС XXVI съезди қарорларини амалга оширишга муносиб ҳисса қўшиш, бутун куч ва ғайратларини меҳнаткашларнинг товарларга бўлган талабларини янада яхшироқ қондириш учун сарфлашга чақирдилар.

ХАЛҚ ТАЛАНТЛАРИ

КЎРИК ҒОЛИБЛАРИ

Яқинда Янгийўл районидаги «Фан» маданият саройида область қишлоқ бадиий ҳаваскорларининг кўриги бўлиб ўтди. Бу катта имтиҳонда 1348 нафар ижрочидан иборат 65 та ижодий коллектив иштирок этди. Томошабинлар хореография ва вокал ансамбллари, якка қўшиқчилар, хор коллективлари, сатира усталарининг чиқишларини марок билан томоша қилдилар.

Айниқса Оққўрғон район ҳаваскорларининг программаси диққатга сазовор бўлди. Район маданият уйининг Дилбар Сандақмедова, Муҳаббат Дадабоева, Ойнакул Ўрозова ва Яйра Элмуродовалардан иборат вокал ансамбли «Ҳур Ўзбекистон», «Оқ пахтанинг шуъласи», «Алла» қўшиқларини юксак иштиёқ билан ижро этиб, тингловчилар таҳсинига сазовор бўлдилар. Доирачилар ансамбли, хореографик группа иштирокчилари ўзларининг юксак санъатларини кўрсатдилар.

Оққўрғон район бадиий ҳаваскорлари кўрикда энг кўпчиликни ташкил этди. Унинг репертуари жанрларининг ранг-баранглиги, ижросининг тўлақонлилиги билан ажралиб турди.

Райондаги «Оҳангарон» совхози ишчиси Мавлюда Хилзова, Ворошилов номли совхоз ишчиси Шариф Эгамов, 42-мактаб ўқитувчиси Муҳаббат Жониқуловалар ижро этган куй ва қўшиқлар кўпчиликни мафтун қилди.

Коммунистик районидаги клублар, маданият уйларининг ҳаваскорлари турли репертуарлар билан қатнашдилар ва иккинчи ўринни эгалладилар. Ўрта Чирчиқ, Бўка, Бўстонлиқ районлари эса учинчи ўринга сазовор бўлдилар.

Ажойиб ташкилотчи Виктор Николаевич Киселев раҳбарлик қилаётган Бўстонлиқ район хор коллективининг катта муваффақиятларини таъкидлаш лозим.

Бўлиб ўтган кўрик кейинги йилларда областимизда халқ талантларини оммалаштиришда катта тадбирга айланди.

В. БОРИСОВ.



Ўқувчиларнинг ёзги қани кул кунлари бошланиши билан спорт майдончаларида ёш футболчиларнинг «Чарм тўп» соврини учун мусобақаси қизиб кетди. Суратда: Октябрь район 42—ЖЭК қошида ташкил этилган команда ўйинчиларига соврин ва дипломлар топширилаяпти.

А. Рисқиев фотоси. (ЎзТАГ).

ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

ТИНЧЛИК ВА ХАВФСИЗЛИК МАНФААТЛАРИНИ КЎЗЛАБ

Москвадаги Совет—Жазоир музокаралари, ўртоқ Л. И. Брежнев билан Жазоир Халқ Демократик Республикасининг президенти, Миллий озодлик фронти партиясининг Бош секретари Шадли Бинжадиднинг Катта Кремль саройида сўзлаган нутқлари жаҳон матбуотининг ҳамда бошқа оммавий ахборот воситаларининг зўр эътиборини ўзига тортмоқда. Л. И. Брежневнинг Совет—Америка муносабатлари тўғрисидаги, қурол-яроғларни чеклаш масалаларига онд музокаралар чўзилиб кетганлиги учун Вашингтон маъмурияти масъул эканлиги ҳақидаги фикрлари ҳамда унинг нутқида Ўрта денгизни барқарор тинчлик ва ҳамкорлик зонасига айлантириш ҳусусида айтилган таклифлар алоҳида бўртириб кўрсатилмоқда.

Л. И. Брежнев билан Ш. Бинжадиднинг нутқлари ҳусусида **Жазоир матбуоти**, радиоси ва телевидениесида кенг миқёсда фикрлар билдирилмоқда. АПС агентлиги Совет Иттифоқи билан Жазоир асосий халқаро проблемалар юзасидан бир хил позицияларда туриб ҳаракат қилаётганликларини таъкидлайди.

Л. И. Брежнев, деб уқтиради АПС агентлиги, Ғарб ҳарбий бюджетлар ва қурол-яроғларни тўхтовсиз кўпайтираётганини, халқаро муносабатларда кучга, зўравончиликка сиғинаётганини ва дўқ-пўписа қилаётганини, социалистик мамлакатларга ва озодлик ҳаракатларига нисбатан нафратни кучайтираётганини, барча тараққийпарвар партияларнинг таъқиб қилаётганини, мана шуларнинг ҳаммаси ҳозирнинг ўзидаёқ халқлар учун оғир оқибатлар келтираётганини кескин қоралади. Ўнг экстремистларнинг терроризми қонли тўлқини мана шу оқибатларнинг биридир, деб уқтирилади шу агентлик шарҳида. Мазкур экстремистлар тегишли мамлакатларнинг сиёсий ҳаётини издан чиқариш, демократияни оёқ ости қилиш ва энг реакцион диктаторлик режимлари ҳокимият тепасига чиқиб олиши учун шароит яратиш мақсадини кўзламоқдалар. Л. И. Брежнев Совет Иттифоқининг Яқин Шарқда одилона ва мустаҳкам тинчлик ўрнатишга ҳамда Ўрта денгизни барқарор тинчлик ва хавфсизлик зонасига айлантиришга интилаётганлигини маълум қилди, деб таъкидлайди агентлик.

Совет раҳбари деб ёзади **«Нойес дойчланд»** газетаси (ГДР), АҚШ бошчилигидаги империалист доираларнинг агрессив авантюрачилик йўлини қоралади. Вашингтоннинг қурол-яроғларни чеклаш масалаларини юзасидан СССР билан музокаралар бошлашга тайёрлиги тўғрисидаги ҳамма баёнотлари қуруқ гапдан бошқа нарса эмас, деб таъкидлади у.

Чехословакияда чиқадиган **«Руде право»** газетасининг уқтириб ёзишича, АҚШдан фарқли ўлароқ Совет Иттифоқи халқаро вазиятни соғломлаштириш учун изчиллик билан ҳаракат қилиб, конкрет тинчликсеварлик ташаббуслари билан майдонга чиқмоқда. Совет Иттифоқи АҚШ билан муҳолифлик йўлини изламаётганини, балки шу мамлакат билан ўзаро ишончга асосланган нормал муносабатларга, тинчлик ва ҳамкорликка интилаётганини Л. И. Брежнев яна бир карра тасдиқлади.

(ТАСС, 10 июнь).

ИСРОИЛНИНГ ҚАРОҚЧИЛИК ҲУРУЖИ ҚОРАЛАНМОҚДА

● АЛ-ЖАЗОИР. Жазоир Халқ Демократик Республикаси ташқи ишлар министрлигининг расмий вакили бундай деди: Жазоир Исроил авиациясининг Ироқдаги ядро тадқиқотлари марказини бомбардимон қилганлигини терроризм ҳуружи деб ҳисоблаб, қатъиян қоралайди. Бундай ҳуруж тинчлик ва халқаро хавфсизликка таҳдид қилади. Бутун халқаро ҳамжамият, деб таъкидлади у, ана шу ҳуружни қаттиқ қоралаши лозим. Баёнотда Исроил агрессиясига дучор бўлган Ирок билан тўла-тўкис бирдамлик изҳор қилинди.

● БАЙРУТ. Исроил авиациясининг Бағдоддаги ядро тадқиқотлари марказига қилган ҳужуми, деди Ливан бош министри Ш. Ваззан, — қароқчиларча қилингандир ва Тель-Авивнинг Яқин Шарқ регионидаги мамлакатларга нисбатан ўтказиб келаётган агрессив сиёсатининг таркибий қисмидир. Бош министр Исроил ўзининг террорчилик ҳаракатлари билан жаҳондаги барча халқларнинг хавфсизлигига таҳдид қилмоқда, деб таъкидлади.

● КОБУЛ. Исроилнинг ҳарбий ҳаво кучлари Америкада ишлаб чиқарилган самолётларда ва АҚШ империалистик доираларининг рухсати билан босқинчиларча ҳужум қилди. Бу ҳужумдан кузатилган мақсад-региондаги кескинликни янада кучайтиришдан, Яқин Шарқда адолатли тинчлик ўрнатилишини таъминлаш ҳақидаги, хусусан манфаатдор барча томонларнинг, шу жумладан Фаластин Озодлик ташкилотининг иштироки билан халқаро конференция чақириш тўғрисидаги таклифни амалга оширишдан иборат, дейилади Афғонистон Демократик Республикаси ташқи ишлар министрлигининг баёнотида.

● ҚУВАЙТ. Қувайт парламент аъзоларининг бир группаси исроиллик агрессорларни қўллаб-қувватлаётган Қўшма Штатларга қарши қатъий чоралар кўришга чақирди. Улар мамлакат миллат мажлисининг бу ерда ўтказилган махсус йиғилишида Араб мамлакатлари нефтини АҚШга сотиш таъқиқлансин ва Араб мамлакатларининг Америка банкларидаги пуллари дарҳол қайтариб олинсин, деб талаб этдилар.

БИЛДИРИШ

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» редакцияси ҳузуридаги ишчи-мухбирлар университетининг навбатдаги машғулоти бугун ўтказилади.

Редактор ўринбосари Р. УМАРОВ.

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ УМУМИЙ ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИНИНГ БИТИРИБ ЧИҚУВЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ ДАВЛАТ КОМИТЕТИ

СИЗЛАРНИ 1981—82 ЎҚУВ ЙИЛИДА ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ СИСТЕМАСИДАГИ

ЎРТА ҲУНАР—ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТЛАРИГА

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Ҳозир Сизларнинг олдингизда қатъий бир масала кўндаланг турибди: «Келажакда қандай йўл танлаш керак?», «Қаерга ўқишга бориш керак?», «Қандай касб танлаш керак?», «Ҳаётдаги ўз ўрнингни қандай топиш керак?». Бу саволларга Сиз Тошкент шаҳридаги ҳунар-техника билим юртларига ташриф буюргач, жавоб олишингиз мумкин.

Мамлакатга ишчи кўллари зарур! Завод ва фабрикалар, қурилишлар ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари турли хил касбдаги юқори малакали мутахассисларга муҳтож.

Шаҳримизда 51 та ҳунар-техника билим юртлари мавжуд бўлиб, уларда 125 хил касб бўйича 35000 киши таълим олмоқда.

ҚУНГЛИНГИЗГА ЁҚҚАН КАСБНИ ТАНЛАНГ!

Уч орденли В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси базасидаги

226-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги мутахассислиқлар бўйича

Самолётга хизмат кўрсатувчи электромонтёр, сонли бошқариш программасида ишловчи станоклар токари, электр-газ пайвандчи, универсаль фрезерчи, моделчи дурадгор, сонли бошқариш программасида ишловчи станокларни созлаш бўйича электрончи, йигувчи слесарь, слесарь-сантехник — газ пайвандчи, саноат асбоб-ускуналарини ремонти бўйича слесарь.

БИЛИМ ЮРТИГА 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Машғулотлар — 1 сентябрдан бошланади.

Группалар спортга мойиллик нуқтаи назаридан комплектланиб, ўқишга кириш вақтида разрядчи-спортчилар алоҳида имтиёзлардан фойдаланадилар.

Билим юртига қабул қилинган ўқувчилар бепул овқат, спорт формаси ва иш кийимлари билан таъминланадилар. Истиқболи бирмунча порлоқ спортчилар кучайтирилган овқат билан таъминланадилар.

БИЛИМ ЮРТИДА ЎҚИШ МУДДАТИ — 10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИЛАР УЧУН 1 ЙИЛ, 8 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИЛАР УЧУН 3 ЙИЛ.

Ўқувчиларга ишлаб чиқариш практикаси даврида иш ҳақидан 33 процент, 10 синф ҳажмида маълумотли ўқувчиларга эса ойига қўшимча 35 сўм стипендия тўланади.

Билим юртида тайёрлов курслари ишлаб турибди. Билим юртини муваффақиятли тамомлаган ўқувчилар (битирувчиларнинг 10 процентигача) келгусида политехника институти, физкультура институти, авиация техникуми, индустриал техникуми, шунингдек учувчилар билим юрти, граждан авиацияси институтида ўқишни давом эттиришлари мумкин. Қолган барча ўқувчилар ишлаш учун В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига юборилади.

Автомобиль ҳаваскорлари учун автомобилни ўрганиш бўйича техника группаси ташкил этилади. Билим юртида автокабинет мавжуд бўлиб, у энг замонавий техника асбоблари билан жиҳозланган. Чунончи, картингистлар группаси мавжуд.

Тикиш-бичишни ўрганишни хоҳловчилар учун тикиш ва бичиш синфи ташкил этилган. Музика ва қўшиқни севувчилар учун бадиий ҳаваскорлик тўгаракларида ҳамма шарт-шароитлар яратиб берилган.

Билим юртида катта спорт комплекси мавжуд: стадион, спорт зали; курашнинг ҳамма турлари бўйича (жумладан карате), спорт секциялари ишлаб турибди. Ўқувчилар спортнинг ўйин турлари, баскетбол, волейбол, футбол, отиш бўйича машғул бўладилар.

Авиация ишини севувчилар учун авиамодель тўгараги, фото-кино ҳаваскорлар тўгараги, радио ва телевизор тузатиш ишлари бўйича тўгараклар мавжуд.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳар, Ҳамза район, Лисунов кўчаси, 1-квартал, 82 «а»-уй (8, 48, 80-автобусларнинг «Поликлиника» бекати).

ВЬЕТНАМ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДЎСТЛИК ОРДЕНИ НИШОНДОРИ

57-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги ихтисослар бўйича

металл бўйича токарь, фрезерчи, саноат асбоб-ускуналари ремонти бўйича механик-слесарь, механика йигув ишлари слесари, саноат асбоб-ускуналари ремонти бўйича электромонтёр, электр пайвандчи, мебелсоз дурадгор, автослесарь, механик ишлов бериш бўйича ОТК контролери, кабель ишлаб чиқариши электромонтёри, саноат совутиш қурилмаларига хизмат кўрсатиш ремонти бўйича машинист. Ўқиш муддати—3 йил;

металл бўйича токарь, механик йигув ишлари слесари. Ўқиш муддати—1 йил.

БИЛИМ ЮРТИГА 8—10 СИНФ МАЪЛУМОТИДАГИ ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқиш муддати 3 йил бўлган группаларда ўқувчиларга ўрта ҳунар-техника билим юртини тамомлаганлик ҳақидаги дипломлар берилади.

8 синф маълумотидагилар ўқиш даврида бепул кўчалик ва ишчи кийимлари билан, уч маҳал овқат билан таъминланадилар, 10 синф маълумотидагилар эса ойига 30 сўм ҳажмида стипендия оладилар. Ишлаб чиқариш практикаси даврида ўқувчиларга иш ҳақининг маълум қисми тўланади. Бошқа шаҳарлардан келганлар ётоқхона билан (автослесарь ва саноат совутиш қурилмаларига хизмат кўрсатиш ва ремонти бўйича машинист касбидагилардан ташқари) таъминланадилар. Ўқиш даври меҳнат стажига киради.

Билим юртини аъло баҳолар билан тамомлаганлар олий ва ўрта махсус ўқув юртларига ўқишга юборилади.

Билим юртида спорт секциялари ва бадиий ҳаваскорлик тўгараклари ишлаб турибди, чунончи ёзлик дам олиш базаси мавжуд.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳар-164, Высоковольтний массиви, 3-сектор (М. Горький номли метро станцияси, у ёққа 4-автобус билан «7-поликлиника» бекатигача; 13, 22-трамвайлар, 18-троллейбуснинг «Маиший хизмат уйи» бекати).

84-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

Темир йўл транспорти ва Тошкент метрополитенида автоматика ва телемеханика қурилмалари электромонтажчиси ихтисоси бўйича

қўшимча ўқиш учун

Совет Армияси сафида хизмат қилиб қайтган шахслар таклиф этилади. Улар учун 6 ой муддатлик таълим группалари комплектланади.

Ўқиш даврида ўқувчилар ойига 90 сўм стипендия, бепул овқат билан таъминланадилар.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида стипендияга қўшимча равишда иш ҳақининг 50 процентигача тўланади. Иш ҳақи—нишбай-мукофотли. Бошқа шаҳарлардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

БИТИРУВЧИЛАР БУТУНИТТИФОҚ «ТРАНССИГНАЛСТРОЙ» ТРЕСТИНИНГ ИХСИОСЛАШГАН ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ ТАШКИЛОТЛАРИГА ИШГА ЮБОРИЛАДИЛАР.

Қуйидаги имтиҳонлар яратиб берилади: ўқишни давом эттиришни ҳоҳловчилар олий ўқув юртларига конкурсдан ташқари юборилади. Отпуска вақтида ўзи ва оила аъзоларидан бирон кишининг темир йўлда бепул юриши имкони яратилади. Доимий иш жойида квартира билан таъминланади.

МАШҒУЛОТЛАР—1 ИЮЛДАН БОШЛАНАДИ.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: 700074, Тошкент шаҳар, Слоним кўчаси, 84-уй (8, 15, 23, 26, 61-автобусларнинг «Иззат» бекати).

ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ СИСТЕМАСИДАГИ БИЛИМ ЮРТЛАРИГА КИРИШ УЧУН ҚАБУЛ КОМИССИЯЛАРИГА ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ ЛОЗИМ:

ҳунар-техника билим юртига кириш ҳақида билим юрти директори номига таналган касбингиз кўрсатилган ариза, ўрта мактабни битирганлик ҳақидаги ҳужжат (гувоҳнома ёки аттестат), медицина справкаси (286-форма), 3 та фотосурат (3х4 см.), корхона ёки ташкилотнинг йўлланмаси (ўқишга ташкилотлар томонидан юборилаётган шахслар учун).

Билим юртига келиши билан ўқишга кирувчи ўз паспорти, ҳарбий рўйхатдан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома (ҳарбий хизматга чақирилиш ёшидаги шахслар учун), ҳарбий билет (запасдаги ҳарбий мажбуриятдаги кишилар), бу ҳужжатлар ўқишга кирувчининг шахсий делосига ёзиш учун талаб этилади.

Билим юртига кириш ҳақида ариза берган шахс танлаган касби бўйича ишлаш учун соғлиғи ва жисмоний ҳолати яроқлилигини аниқлаш учун медицина кўригидан ўтади.

М. Қориёқубов номидаги Ўзбек Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

12, 14 июнь соат 19.30 да

Бутуниттифоқ профессионал бадиий коллективлар кўригиконкурси ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати

ЎЗБЕК АШУЛА ВА РАҚС «ШОДЛИК» АНСАМБЛИНИНГ КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ғулом ЁҚУБОВ

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Дилбар ФАЁЗОВА

Солистлар: Бахтиёр ХОЛҚУЖАЕВ, Ҳотам ҲОЖИЕВ, Дилором ҚАЮМОВА, Нарзиддин ШЕРМАТОВ, Анвар РУСТАМОВ, Райҳон АБДУЛЛАЕВА ва бошқалар.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ.

Программани — Уткир СИДДИҚОВ олиб боради.

«ШОДЛИК» ансамблининг бадиий раҳбари ва бош балетмейстери Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Қодир МУМИНОВ.

Музика раҳбари Исматулла РАҲМАТУЛЛАЕВ.

Телевидение

МТ-«ВОСТОК»

9.00 — Время.9.40 — Эрталабки гимнастика. 10.05 — Белинский. Бадиий фильм. 11.50 — Концерт. 12.20 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 15.55 — Рус тили. 16.25—Илмий-оммабоп фильм. 16.55 — Филиппин артистларининг концерти. 17.25 — Москва комсомолининг ишлари. 17.55 — И. Минутко. Мен, сен ва бошқалар. 20.00 — Тракторчилар. Кинокомедия. 21.30 — Время. 22.05 — Останкино концерт студиясида Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР халқ артисти С. В. Образцов кочаси, 23.50 — Дунё воқеалари.

ЎзТВ-I

11.25 — Кўрсатувлар программаси. 11.30 — Болалар учун. Фонарик. 12.00 — Буни ҳамма билиши ва уддалаши керак. 13.30 — Пушкинхонлик. 13.40 — Замандас. 14.30 — Берилмаган отпуска. Бадиий фильм. 18.15 — Кўрсатувлар программаси. 18.20 — Болалар учун фильм. 18.30 — Ёшларнинг меҳнат дастхати. 19.00 — Тарихий ва маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш ҳақида ғамхўрлик. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Театрдаги воқеалар. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Турмуш ва маданият. 22.35 — У. Ҳошимов. «Баҳор қайтмайди». 1-қисм. 23.50 — Кўрсатувлар программаси.

ЎзТВ-II

18.35 — Кўрсатувлар программаси. 18.40 — Она тили. 19.20 — Телефильм. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Қонун қўриқчилари. 20.50 — Физика.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 12|VI да Келинлар қўзғолони, 13|VI да Кузнинг биринчи куни, 14|VI да Кузнинг биринчи куни.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 12|VI да Ишонмасанг ўламан, 13|VI да Хизматингизга тайёрмиз, 14|VI да Хизматингизга тайёрмиз.

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 12, 13, 14|VIда ЛИРИКА ВА КУЛГИ КЕЧАСИ.

Тошкент экспериментал фурнитур-пластмасса заводи коллективи завод директори И. С. Аҳмаджонова, онаси

Нуринисо АҲМАДЖОНОВАнинг

бафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П, ЛЕНИН кўчаси, 41.

Телефонлар: редактор ўринбосарлари—335885, 325747, 337916, 325748: масъул секретарь—334808, 325353: секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги—325647; адабиёт ва санъат—325767; совет қурилиши—325645; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; фан, маданият ва олий ўқув юртлари—325553; фотомухбир— 325894.

Р. 02051 Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64683. В. 1623.